

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAКAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Мунаввар Абдурашид кизи Атамирзаева,
Таянч докторант,
Тошкент давлат техника университети
Sanjar7108@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

For citation: Munavvar A. Atamirzaeva, RESEARCH OF AGRICULTURAL ISSUES IN THE EMIRATE OF BUKHARA DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.28-34

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072195>

АННОТАЦИЯ

Ўрта Осиё хонликлари қадимдан қишлоқ хўжалигига асосланган давлат бўлган. Чунки бу замин серхосил ва маданий ресурсларга бойдир. Бухоро амирлиги ҳам қишлоқ хўжалигига асосланган давлат бўлганлиги учун Бухорода кўплаб канал ва ариқлар қазилган, сув иншоотлари қурилган, шаҳарларнинг ўсиши, хунарамандчилик ривож топиб, усталарнинг цех ташкилотларига уюшуви юз берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати борган сайин чет давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйилишига асос бўлди. Бухоро амирлигининг ривож топишида айнан қишлоқ хўжалигининг ўрни бекиёсдир.

Хусусан, мустақиллик йилларида амирлик қишлоқ хўжалиги тармоқларини изчил ўрганиш, таҳлил қилиш, давлат учун фойдали бўлган жиҳатларини ўзлаштириш ҳар бир тарихчининг вазифасидир. Тадқиқот ишида Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи масалалари мустақиллик даври тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши ёритилган ва ўрганилмаган, тадқиқ қилишга муҳтож бўлган масалалар қиёсий таҳлил асосида аниқланган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Қишлоқ хўжалиги, Илмий тадқиқотлар, иқтисодий муносабатлар, ер майдонлари, ирригация.

Мунаввар Абдурашид кизи Атамирзаева,
Базовый докторант,
Ташкентский государственный технический университет
Sanjar7108@mail.ru

ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОБЛЕМ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

Среднеазиатские ханства долгое время были государством, основанным на земледелии. Потому что эта земля плодородна и богата культурными ресурсами. Поскольку Бухарский

эмират был еще и сельскохозяйственной страной, в Бухаре было прорыто много каналов и рвов, построены гидротехнические сооружения, росли города, процветали ремесла, ремесленники организовывались в мастерские. Качество сельскохозяйственной продукции стало основой для установления торговых отношений с зарубежными странами. Роль сельского хозяйства в развитии Бухарского эмирата несравнима.

В частности, в годы независимости задачей каждого историка является последовательное изучение, анализ и освоение полезных для государства аспектов. В исследовательской работе исследователями периода независимости была освещена история становления и развития сельскохозяйственных отраслей Бухарского эмирата, а на основе сравнительного анализа определены неизученные вопросы, которые необходимо исследовать.

Ключевые слова: Бухарский эмират, сельское хозяйство, научные исследования, экономические отношения, земельные угодья, орошение.

Munavvar A.Atamirzaeva,
Basic doctoral student,
Tashkent State Technical University
Sanjar7108@mail.ru

RESEARCH OF AGRICULTURAL ISSUES IN THE EMIRATE OF BUKHARA DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

The Central Asian khanates have long been a state based on agriculture. Because this land is fertile and rich in cultural resources. Since the Bukhara Emirate was also an agricultural country, many canals and ditches were dug in Bukhara, waterworks were built, cities grew, handicrafts flourished, and craftsmen were organized into workshops. The quality of agricultural products became the basis for the establishment of trade relations with foreign countries. The role of agriculture in the development of Bukhara Emirate is incomparable.

In particular, in the years of independence, it is the task of every historian to consistently study, analyze, and master the aspects that are useful for the state. In the research work, the history of formation and development of agricultural sectors in the Bukhara Emirate was highlighted by the researchers of the period of independence, and the unexplored issues that need to be researched were determined on the basis of comparative analysis.

Index Terms: Bukhara Emirate, Agriculture, Scientific research, economic relations, land areas, irrigation.

1. Долзарблиги:

Ўрта Осиё хонликлари қадимдан қишлоқ хўжалигига асосланган давлат бўлганлигини айнан Бухоро амирлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки бу замин серҳосил ва маданий ресурсларга бой бўлиб, Бухорода кўплаб канал ва ариқлар қазилган, сув иншоотлари қурилган, шаҳарларнинг ўсиши, хунармандчилик ривож топиб, усталарнинг цех ташкилотларига уюшуви юз берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати борган сайин чет давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйилишига асос бўлган. Бухоро амирлигининг ривож топишида айнан қишлоқ хўжалиги тармоқларини изчил ўрганиш, таҳлил қилиш, давлат учун фойдали бўлган жиҳатларини ўзлаштириш ҳар бир тарихчининг вазифаси бўлиб, ўз долзарблиги билан аҳамиятлидир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот ишида умум қабул қилинган тарихий методлар –тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Мустақиллик йилларида Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалиги тарихига оид тадқиқотлар умумлаштирилган ҳолда ўрганилган ва қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ўрганилган

натижалар асосида амирлик қишлоқ хўжалиги тарихига оид ўрганилмаган жиҳатлари очиб берилади.

Мустақилликдан сўнг яратилган бир нечта тадқиқотлар Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалиги тарихини ўрганишга бағишланган. Ушбу тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ ўз тадқиқотларида амирлик қишлоқ хўжалигининг вилоятларга хос жиҳатлари ёритилган тадқиқотлар. Жумладан, Таниева Г.М.[1], Очилдиев Ф.Б.[2], Авазов Ю.У.[3] ларнинг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Иккинчи гуруҳ эса Бухоро амирлигининг қишлоқ хўжалиги аҳволини умумий ҳолда ўрганишга бағишланган тадқиқотлар. Шундай тадқиқотлардан энг аҳамиятлиси Хаитов Ж.[4], Холиқова Р.Э.[5] Ҳакимова К.З.[6] га тегишлидир.

3.Тадқиқот натижалари:

Таниева Г.М. нинг “Қарши вилоятининг Бухоро амирлиги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни” деб номланган номзодлик диссертациясининг учинчи боб, биринчи режаси қишлоқ хўжалигининг вилоят иқтисодий ҳаётида тутган ўрнига бағишланган. Маълумки, Қарши вилояти Бухоро амирлиги иқтисодий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Вилоятдан келадиган иқтисодий фойда албатда давлат ғазнасига бориб тушади. Айни пайтда Қарши қишлоқ хўжалиги анча ривож топган вилоятлардан бўлган. Шунинг учун ҳам вилоятнинг қишлоқ хўжалик тармоқларининг тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот ишида Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги ерлар қадимдан деҳқончилик маданияти тараққий этганлиги, унумдорлиги жиҳатидан Зарафшон вилоятдан кейинги иккинчи ўриндаги ҳудуд ҳисоблангани ва Ўрта Осиёнинг қўллаб муаллифлари томонидан “жаннат-макон” жой сифатида этироф этилиши таъкидлаб ўтилган. Илмий ишда Қашқадарё ва ундан қазиб ўтказилган каналлар атрофида экин майдонларининг жойлашувининг Қарши вилоятига хос бўлган жиҳатини кўриш мумкин. Бунда, экин майдонлари, боғлар қанчалик сув талаб қилишига қараб Қарши шаҳри ва йирик қишлоқлар атрофини кетма-кет ўраб олган эди. Шаҳар ва йирик қишлоқлар теварагида биринчи навбатда тез-тез суғориладиган мевазор боғлар, ундан кейин полизлар, сўнгра эса кам сув талаб қиладиган, ёғингарчилик ҳисобига сув ичадиган лалми ғалла далалари ястаниб ётар эди[1]. Муаллифнинг фикрича, Бухоро амирлиги хазинасига катта даромад келтирадиган қишлоқ хўжалиги тармоғи бу – боғдорчилик бўлган. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, вилоятдаги боғдорчилик марказлари қатор-қатор тераклар билан ўраб олинган. Бунинг сабаби эса, экин майдонларининг ажралиб туриши ва экинларни чўлнинг кучли, иссиқ шамолларидан тўсиб туриш бўлган. Бундан ташқари илмий тадқиқот иши Қарши вилоятининг амирлик иқтисодиётига катта фойда келтирадиган узумчилик, ундан амирлик хазинасига келиб тушадиган солиқ, вилоятда етиштирилган тамаки маҳсулотлари, полизчилик маҳсулотлари (қовун, ковок), ғалла майдонлари ва улардан йиғиб олинadиган ҳосил, Қарши вилояти экинзорларининг суғорилиш муоммолари ва ечимлари, ердан фойдаланишнинг усуллари, чорвачилик соҳасининг ривож топиб бориши, туячиликнинг Қарши вилоятида тез-юрар зотларининг етиштиришнинг тарқалиши, шунингдек, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик каби соҳаларининг атрофлича ёритиб берганлиги ва бу орқали Қарши вилоятининг нафақат вилоят ўзининг хом-ашёга бўлган талабини қондирибгина қолмай, балки Бухоро амирлиги иқтисодининг каттагина қисмини кўтариб турганлиги, бошқа вилоятлар эҳтиёжига жавоб бера олиш салоҳиятига эга бўлганлигини исботлаб берганлиги билан ажралиб туради.

Очилдиев Ф.Б. нинг “XIX – XX аср бошларида жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт” номли диссертацияси ҳам Бухоро амирлиги таркибига кирган Сурхон воҳаси мисолида, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан биргаликда иқтисодий салоҳияти очиб берилган тадқиқотлардандир. Илмий тадқиқот ишининг учинчи боб, биринчи режаси Сурхон воҳасининг қишлоқ хўжалиги тарихини ёритиб беришга бағишланган. Сурхон воҳасининг Бухоро амирлиги тарихида ўз ўрни бор. У муҳим савдо йўллари, иқтисодий ва маданий алоқалар туташган ерда жойлашган. Илмий ишда вилоятнинг амирлик иқтисодий ҳаётига қўшган хиссаси, ушбу ҳудудда ривожланган қишлоқ хўжалик тармоқлари ҳақида билиб олиш

мумкин. Тадқиқот ишида келтирилишича, вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи мавқеда турган соҳалардан бири бўлган. Қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик, боғдорчилик каби тармоқлари юксак ривож топган. Муаллифнинг таъкидлашича, вилоятнинг тоғолди ҳудудларида боғдорчилик ва тоқчилик кенг ривожланган. Бундан ташқари диссертацияда Сурхон воҳасида деҳқончиликдан ташқари чорвачилик соҳасининг ривож топганлигини қўриш мумкин. Бухоро амирлигида Сурхон воҳасининг ҳисори қўйларининг довуғи бутун Ўрта Осиёга тарқалган[2].

Ф.Б. Очилдиевнинг “XX аср бошларида Шарқий Бухородаги иқтисодий ҳаёт” номли мақоласида чор Россияси босқинидан кейин Термиз шаҳри, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти масалаларини ёритиш билан бирга, ўша даврда амирлик иқтисодиёти, пахта етиштириш масалалари устида тўхалиб, қисман ушбу ҳолатни ёритишга муваффақ бўлган.

Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалиги тарихини ёритишдаги янги тадқиқотлардан бири Хаитов Ж. га тегишли бўлиб, унинг “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” илмий-амалий онлайн конференцияда нашр этилган “Туркустон тўплами” XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги буғдой навлари ва дончилик ҳақида маълумот беувчи муҳим манба” деб номланувчи мақоласи ҳам амирлик иқтисодий ҳолати акс этган тадқиқотдир. Тарихий манбаларда келтирилишича, Бухоро амирлиги экин майдонларининг кўп қисми буғдой ва бошқа донли экинлар билан банд қилинган. Мақолада ҳам айна амирликда етиштирилган дон маҳсулотлари ҳақида маълумот берилган. Мақолада амирликда етиштирилган буғдой навлари “қизил буғдой”, “шашкира”, “қорамакдор”, “сарик мағиз” ва сув кам сарф қилинадиган “чўл буғдой” каби турларининг етиштирилганлиги, амирликда 20 дан ортиқ навлари экилганлиги, суғориладиган ва лалми ер майдонларидан олиннадиган ҳосил миқдорини ошириш учун тажрибалар ўтқазилганлиги, янги навлар яратилганлиги, Бухоро амирлиги вилоятларида етиштириладиган буғдойларнинг қанча ҳосил бериши ва қанча миқдори чет давлатларга сотилганлиги, нархлари ҳамда Шарқий Бухоро ҳудудида буғдой маҳсулотларининг ун қиладиган тегирмонлар ва Кўлоб, Саричашма, Саройда мавжудлиги, ҳосилнинг ер остидан қазилган чуқурларда сақланиши, бутун амирлик ҳудудида етиштирилган буғдойнинг тақсимланиши каби масалалар ёритиб берилган. Муаллифнинг ёзишича, Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалигининг ажойиб механизми яратилган едики, буғдойнинг 30 дан ортиқ, арпанинг 10 та нави, жўхорининг 31 та нави, тарикнинг 6 та нави, сўлининг 5 та нави, гуруч, зиғир, кунжут, мош, нўхот каби ўнлаб турдаги бошоқли ва донли экинлар етиштирилган эди[4].

Мустақиллик даври қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий аҳволи ҳақида маълумот берувчи тадқиқотлардан бири Р.Э. Холиқовага тегишлидир. Унинг “Россия–Бухоро тарих чорраҳасида” номли монографиясида ҳам амирлик қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар мавжуд. Илмий тадқиқот иши қишлоқ хўжалиги тарихини ёритишга бағишланмаган бўлсада, унда амирлик иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар учрайди. Монографияда келтирилишича, Бухоро амирлиги 85 % аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланган, бу соҳада буғдой, арпа, жўхори, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга этибор берилган[5]. Шунингдек ишда Қарши ва Каттақўрғон тамаки етиштиришга, Шаҳрисабз, Миёнқол, Самарқанда атрофлари, Ҳисор шотикорликка, Қашқадарё воҳаси, Сурхондарё воҳасида, Яккабоғ, Китоб, Чирокчи, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Термиз районларида пахта катта миқдорда етиштирилганлиги, етиштирилган дон маҳсулотларининг қанча нархда сатилганлиги, савдо алоқаларининг ривожланганлиги[5], узумчиликнинг ривож топган соҳа эканлиги, ипакчиликнинг ривожланиши, нархлари, пахтачиликнинг тарқалиши, хунармандчиликнинг ривожланиши[5], чорвачиликнинг ривож топган соҳа эканлиги, Бухоро ва Қарши ҳудудларида қўйчиликнинг ривож топганлиги ҳақида айрим мулоҳазалар учрайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган ва Бухоро амирлиги деҳқончилик ва иқтисодий аҳволи, деҳқонларни эксплуатация қилиш шакллари ҳамда унга деҳқонлар муносабати акс этган муҳим тадқиқотлардан бири Хакимова К.З. га тегишлидир. Унинг “Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в.” номли асари жуда қимматли ҳисобланади.

Илмий тадқиқот иши уч бобдан иборат.

Биринчи боб Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши” деб номланиб, унда ерни бошқариш шакллари ва қишлоқ хўжалиги аҳволи ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд.

Иккинчи боб “Деҳқонларни эксплуатация қилиш шакллари” деб аталади. Бобда амирликда мавжуд солиқлари ва ерни ижарага олиш шакллари ёритиб берилган.

Учинчи боб эса, Деҳқонларни қўзғолон ва исёнлари, келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларига бағишланган.

Муаллиф Ўрта Осиёда ерлар уч тоифага бўлиниши ҳақида айтиб ўтган. Улар:

А) Мулки султони – давлатга қарашли ерлар;

Б) Мулк – хусусий ерлар;

С) Вақф – руҳонийларга ажратилган ерлар[6].

Давлат ерлари сотилмас, совға қилинмас ёки вақфга айлантириш мумкин эмас эди.

Лекин, асардаги маълумотларга қараганда жўйбор шайхлари мамлакат ерларини сотиб олган. Шунингдек, китобда амлок ерлари хусусида, яъни, амлок ерларнинг совға сифатида бойларга берилиши, ерлардан “хирож” солиғи тўланиши ва ҳосилнинг 40-50 % давлатга берилганлиги, деҳқонлар амлокдорлардан ижарага ер олиб фойдаланиши ҳамда кўпинча ҳосилнинг хаммасини солиқ сифатида тўлаб юбориши ҳақидаги маълумотлар учрайди[7].

Бундан ташқари амирликдаги мулк ерлари ва ундан фойдаланиш тартиблари, вақф ерларининг тузулиш шакллари, “танҳо” ерларининг пайдо бўлиши, тузулиши, кимларга ажратилганлиги, миқдори ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Шунингдек, амирликда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари, деҳқончилик меҳнат қуролларининг токомиллашуви, Россия ҳудудидан меҳнат қуролларининг кириб келиши, деҳқончиликда учрайдиган муаммо ва ечимлар (чигирткалар ҳужуми, совуқ уриши, сувнинг етиб келмаслиги), оммавий ҳашарларнинг уюштирилиши, амирликда чорвачилик аҳволи, туячилик, йилқичилик, қўйчилик, эчкичилик кабиларнинг ривож топиши, энг асосий масала бўлган деҳқонларнинг аёвсиз эксплуатация қилиниши, солиқ турлари ҳақида чуқур мулоҳаза юритилган.

Хуллас, ушбу асар ўқувчига Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёти, деҳқонларнинг эксплуатация қилиниши, деҳқонлар қўзғолонлари ҳақида кенг маълумот берувчи тадқиқотдир.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Бухоро амирлиги иқтисодиётининг муҳим ва етакчи тармоғи бу – қишлоқ хўжалигидир. Амирлик аҳолисининг 85% деҳқончилик билан шуғулланишган. Бу эса амирлик хазинасига катта даромаднинг келиб тушишини таъминлаган. Мустақиллик даври тадқиқотлари шуни кўрсатиб берадики, амирликдаги қишлоқ хўжалиги тармоқлари турли хил бўлиб, амирлик аҳолиси ердан унумли фойдаланишган. Етиштирилган экинлар нафақат амирлик аҳолисини таъминлабгина қолмасдан, балки чет давлатларга ҳам экспорт қилинган.

Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳали тадқиқ этишга муҳтож бўлиб, ирригация ва сўғориш тизимлари, ердан фойдаланиш тартиблари етарлича ўрганилмаган. Бу эса илмий тадқиқотларни янада чуқурроқ архив ҳужжатлари ва маҳаллий манбаларга таянган ҳолда давом эттиришни тақозо этади.

Иқтибослар /Сноски/ References:

1. Таниева Г.М. Қарши вилоятининг Бухоро амирлиги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни. Тарих.фан.номзод.дисс. Тошкент. 2008. Таниева Г.М. Роль Каршинского региона в политической, социально-экономической жизни Бухарском эмирате. Кандидат исторических наук. дисс. – Ташкент, 2008. (Tanieva G.M. The role of the Karshyn region in the political, socio-economic life of the Bukhara Emirate. Candidate of Historical Sciences. diss. – Tashkent, 2008).

2. Очилдиев Ф.Б. XIX – XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Тарих.фан.номзод.дисс. – Тошкент, 2007. // XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Шарқий Бухоро бекликларида қишлоқ хўжалиги. // ЎзМу хабарлари, Махсус сон. 2013. –Б 153-156. // XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқий Бухорода солиқ тизими тарихидан. ЎзМу хабарлари, 2014. № 2. –Б 119-123. Очилдиев Ф.Б. Социально-экономическая жизнь в Южном Узбекистане в конце XIX – в начале XX века. Кандидат исторических наук. дисс. Ташкент. 2007. // Сельское хозяйство в Восточно-бухарских бекствах во второй половине XIX-начале XX вв. Новости Национального университета Узбекистана, Специальный выпуск. 2013. –Стр 153-156. // Из истории налоговой системы Восточной Бухары конца XIX – начала XX вв. Новости Национального университета Узбекистана, 2014 № 2. – Стр. 119-123. (Ochildiev F.B. Socio-economic life in Southern Uzbekistan in the late XIX – early XX century. Candidate of Historical Sciences. diss. Tashkent, 2007. // Agriculture in the Eastern Bukhara beks in the second half of the XIX-early XX centuries. News of the National University of Uzbekistan, Special Issue. 2013. – pp. 153-156. // From the history of the tax system of Eastern Bukhara of the late XIX – early XX centuries. News of the National University of Uzbekistan, 2014. № 2. – Pp. 119-123).
3. Авазов Ю.У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Жануби-Шарқий бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. Тарих.фан.номзод.дисс. Тошкент. 2005. Авазов Ю.У. Социально – политическая и культурная жизнь юго-восточных бекств Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX вв. Кандидат исторических наук. дисс. – Ташкент, 2005. (Avazov Yu.U. Socio –political and cultural life of the south-eastern kingdoms of the Bukhara Emirate in the late XIX-early XX centuries. Candidate of Historical Sciences. diss. – Tashkent, 2005.
4. Хайтов Ж. “Туркистон тўплами”да XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги бугдой навлари ва дончилик ҳақида маълумот берувчи муҳим манба // “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” илмий-амалий онлайн конференция материаллари. Бухоро. 2020.27.04. –Б 237-240 Хайтов Ж. Важный источник информации о сортах пшеницы и зерновом хозяйстве Бухарского эмирата конца XIX – начала XX века в ” Туркестанском сборнике “ / / материалы научно-практической онлайн конференции” Роль Бухары в мировой культуре”. Бухара. 2020.27.04. –Стр. 237-240. (Khaitov J. Is an important source of information about wheat varieties and grain farming of the Bukhara Emirate of the late XIX- early XX century in the Turkestan collection / / materials of the scientific and practical online conference The role of Bukhara in world culture Bukhara. 2020.27.04. – Page. 234-240).
5. Холикова Р.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия – Бухоро муносабатлари тарихи. Тарих.фан.доктор.дисс. Тошкент. 2006.; Холикова Р.Е. История русско – бухарских отношений второй половины XIX-начала XX веков. Доктор исторических наук. дисс. – Ташкент. 2006; (Kholikova R.E. History of Russian-Bukhara relations of the second half of the XIX-early XX centuries. Doctor of Historical Sciences. diss. – Tashkent. 2006).; XIX асрда Бухоро амирлигидаги хунармандчилик ва савдо алоқалари, ЎзМУ хабарлари. –Т., 2018. 72-76 –бетлар.; Ремесла и торговые отношения в Бухарском эмирате в XIX веке, Вестник Национального университета Узбекистана. - Т., 2018. 72-76 - с.; (Crafts and trade relations in the Bukhara Emirate in the th XIX century, UzMU reports. - Т., 2018. 72-76 - p.); XIX асрда Бухоро амирлигининг иқтисодий хунармандчилик ва савдо алоқаларининг ўрни. Паёми Донишқада Вестник института /Herald of institute. 2019 г. май. Пенджикент. 531-536-бетлар.; Роль хозяйственных ремесел и торговых связей Бухарского эмирата в XIX веке. Паёми Донишқада /Вестник института. 2019, май, Пенджикент. стр. 531-536.; (The role of economic crafts and trade relations of the Bukhara Emirate in the XIX entury. Payomi Doniskada Bulletin of the Institute . 2019 May be Penjikent. pp. 531-536);

6. Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX века. Тошкент. Наука, 1991. – Стр. 156. (Khakimova K.Z. The peasantry of the Bukhara Emirate in the late XIX early XX century. Tashkent. Science, 1991. – Page. 10):
7. Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX века. – Тошкент, Наука, 1991. – Стр. 1. (Khakimova K.Z. The peasantry of the Bukhara Emirate in the late XIX early XX century. Tashkent. Science, 1991. – Page. 1).
8. Хаитов Ж. “Туркистон тўплами”да XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги бугдой навлари ва дончилик ҳақида маълумот берувчи муҳим манба // “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” илмий-амалий онлайн конференция материаллари. Бухоро. 2020.27.04. –Б 237. Хаитов Ж. Важный источник информации о сортах пшеницы и зерновом хозяйстве Бухарского эмирата конца XIX – начала XX века в ” Туркестанском сборнике “ // материалы научно-практической онлайн конференции”. Khaitov J. Is an important source of information about wheat varieties and grain farming of the Bukhara Emirate of the late XIX- early XX century in the Turkestan collection // materials of the scientific and practical online conference.
9. Холикова Р.Э. Россия-Бухоро тарих чоррахасида, “O’qituvchi” нашриёти, 2005 й, Б-89.; Халикова Р.Э. На перекрестке русско-бухарской истории, Изд-во «Учитель», 2005, Б-89.; Kholikova R.E. At the crossroads of Russian-Bukhara history, Teacher Publishing House, 2005, B-89 .;
10. Холикова Р.Э.Бухоро амирлигида ҳунармандчилик ва савдо алоқалари.ЎЗМУ хабарлари,2019,[1/4] ISSN 2181-7324. Холикова Р. Э. Ремесла и торговые связи в Бухарском эмирате // Вестник Национального университета Узбекистана, 2019, [1/4] ISSN 2181-7324.; Kholikova R. E. Handicrafts and trade relations in the Emirate of Bukhara // NEWS OF THE UNIVERSITY, 2019, [1/4] ISSN 2181-7324.; The Tax System in Bukhara Emirate, International journal of Research (IJR) Available at [https// journals. Pen 2print. Org.index. Php/ijr/2019/274-281](https://journals. Pen 2print. Org.index. Php/ijr/2019/274-281), Economic status of the Bukhara Emirate in the late XIX and early XX centurllles, PalArch’s Journal of Archaeologu of Egypt/Egyptology/ 17 (6) 2020, 14208-14225.; Налоговая система Бухарском эмерате.The Tax System in Bukhara Emirate, International journal of Research (IJR) Available at <https// journals. Pen 2 print. org/index. Php/ijr/2019/274-281>, Economic status of the Bukhara Emirate in the late the XIX and early XX th centurles, PalArch’s Journal of Archaeologu of Egypt/Egyptology/ 17 (6) 2020, 14208-14225;
11. Бухоро амирлигида ҳунармандчиликнинг ўзига хос жиҳатлари, Ўтмишга назар,(1-махсус сон)2022,6-15- бетлар.; Уникальные аспекты ремесел Бухарского эмирата, Взгляд в прошлое, (1-й спец выпуск) 2022, стр. 6-15.; Unique aspects of the crafts of the Emirate of Bukhara, A look into the past, (1st special issue) 2022, pp. 6-15. Activities of the political agency of the Russian empire in the emirate of Bukhara, Journal of Contemporary Issues in Business and Government, 2021, Volume 27, Issue 3, Pages 1330-1334. Деятельность политического агентства Российской империи в Бухарском эмирате, Журнал современных проблем бизнеса и управления, 2021, Том 27, Выпуск 3, Страницы 1330-1334.; Rossiya imperiyasi siyosiy agentligining Buxoro amirligidagi faoliyati. Biznes va boshqaruvning zamonaviy muammolari jurnali, 2021 yil. 27-jild. 3-son, 1330-1334-betlar.

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000